

Бир бор экан, бир йўк экан, кадим замонда бир шахарда бир чол билан кампир бор экан. Уларнинг Маматбой деган битта-ю битта ўгли бор экан.

Кампирнинг ота мерос бир ховлиси бор экан. Чол-кампир бу ховлини уч юз тиллага сотишибди ва маслахатлашиб ўглини савдо ишига ўргатмокчи бўлишибди.

Чол ўглини чакириб:

— Болам, биз энди кариб, куч-куватдан колдик. Сен мана бу юз тиллани олиб, савдогарчилик килгин, — дебди.

Бола юз тиллани белига тугиб, йўрга эшакни миниб: «Хайё-хай», деб сафарга жўнабди. Юриб-юриб бир шахарга етибди. Караса, бозорга якин бир жойда одамлар тўпланишиб турган эмиш, тўда якинига бориб одамларнинг биридан: «Нима гап?» деб сўраса, у одам: — Бу ер илм берадиган жой. Кимки юз тилла тўласа, бир йил ичида илм ўрганиб чикади, — дебди.

Бизнинг Маматбой ҳам илм ўрганишни хавас килиб юрар экан. Бу гапни эшитгач: «Савдо ишидан нима фойда, ёшликда илм ўрганиб олиш керак» деб, юз тиллани тўлабди. Хавас билан астойдил ўқий бошлабди. Орадан бир йил ҳам ўтибди. Маматбой, зехни баландлик килиб, домласидан ҳам ўзиб кетибди.

Энди уйига кайтмокчи бўлибди. Аммо ҳеч нарсаси колмаган, кўйингчи, эшагини ҳам сотиб юборган экан. Нима килишини билмай хайрон бўлиб турганида, домланинг раҳми келиб унга бир эшак берибди. Бир ярим ой деганда Маматбой уйига келибди. Кўпдан бери кутиб ўтирган ота-онаси ўглини кўриб жуда кувонибди. Хол-ахвол сўрагандан кейин, кампир:

— Болам, юкинг оркада келяптими? — деб сўрабди. Бола индамабди. Бир фурсат ётиб, дамани олгандан кейин ота-онасига:

— Хафа бўлмасангизлар бир гап айтаман, — дебди. Улар-. — Майли, айт, болам, — дейишибди.

Шунда бола ўз бошидан кечирган ҳамма ходисаларни айтиб берибди. Чол-кампир бир оз ранжибди.

Орадан бир хафта ўтибди. Улар ўзларича маслахатни, бир жойга кўйиб, болага яна юз тилла берибдилар. Аммо бошка нарсага сарф килмагин, деб тайинлаб уни савдога жўнатибдилар. Бола чўл-биебонлар, тог-тошлар ошиб, ахири бир шахарга етибди. Караса, бир жойда одамлар тўпланишиб турган эмиш. Бола суриштирибди. Улардан бири: «Бу ер чолгу ўргатадиган жой, кимки юз тилла тўласа, бир йилда ажойиб созанда бўлиб чикади», дебди.

Бола ўйлаб туриб: «Ота-онам уришса уришар; илм ўргандим, энди буни ҳам ўрганиб кўяй», деб юз тилла тўлаб мактабга кирибди. Орадан бир йил ўтибди. Боланинг зехни ўткир экан, сал фурсатда устозидан ҳам ўзиб кетибди.

Устози боланинг жуда укувли бўлгани, аммо кетишга ҳеч пимаси колмаганидан бир той билан йўлга керакли озик-овкат бериб, уни жўнатибди. Бола уч хафта деганда уйига етиб келибди. Бир йилдан бери кўз тутиб, зорикиб ўтирган ота-она ўглини кўриб жуда севинишибди. Кампир боласидан хол-ахвол сўраб бўлиб:

— Болам, юкинг кейинда келяптими? — деб сўрабди. Бола нафасини ростлаб олгандан кейин, воқеани айтиб бсрибди. Буни эшитган чол билан кампир хафа бўлишибди, болани каттик койишибди.

Ўн кундан кейин чол билан кампир иккиси маслахат килишибди. Отаси ўглини чакириб:

— Болам, бисотимизда атиги уч юз тилла бор эди, икки юз тиллани сарф килиб келдинг, энди бор-йўги юз тиллагина пулимиз колди, шуни эхтиёт килиб, хар нарсага сарф килмасдан, арзон моллардан олиб кел, жон болам! — деб яна савдога жўнатибди. Бола ота-онаси билан хайрлашиб, номаълум шахарга жўнаб кетибди. Юра-юра бир жойга етибди. Тойи хуркиб кетиб, одамлар тўпланиб турган жойга бориб тўхтабди. Бола одамлардан: «Нега тўпланиб турибсизлар?» деб сўраса, улардан бири: «Бу ерда шахмат ўйини ўргатилади. Кимки юз тилла тўласа, шахмат ўрганади», дебди. Маматбой ўйлаб туриб: «Юз тилла бериб илм ўргандим, юз тилла бериб чолгувчи бўлдим, энди яна юз тилладан кочиб буни ўрганмай қолайми? Кел, таваккал, буни ҳам ўрганиб олай», деб ахд килибди ва кўлидаги юз тиллани тўлаб, шахмат ўйнашга киришибди. Бир йилда шахмат ўйинини жуда яхши ўрганиб, кейин юртига қайтибди. Кўп йўл юриб, уйига етибди. Ота-онаси боласяни соғиниб кўз тутиб ўтирган экан, у билан кўришиб бўлиб: — Болам, юкинг кани, орқада келяптими? — деб эшикка чикиб караса, яна хеч нима йўк эмиш. Яна хайрон бўлишибди. Бола бу сафар шахмат ўйинини ўрганганини айтиб берибди.

Чол билан кампир илгаригидан ҳам баттаррок хафа бўлишибди. Ночорликдан Маматни бир бойга хизматкор килиб беришибди. Маматбой жудаям сергайрат, чаккон бола экан, уч кун ўтмасданок, бойнинг хизматкорлари орасида танилиб қолибди. Бой ҳам унинг чаккон, ишбилармонлигига койил қолибди.

Кунлардан бир куни бой узок бир шахардан бир неча минг йилки ва кўйларни олиб келаётган экан, дашт-биёбонларда бир канча кўп юришгандан кейин йилки-кўйлари чўллаб қолибди. Кидириб-кидириб бир кудук топишибди. Кудук жуда эски экан. Бой «Ким тушади?» деб сўраса, хизматкорлари чурк этмабди. Ахири Маматбой: «Бу ишни мен бажараман», деб белига аркон боглаб, кудукка туша бошлабди. Кудук жуда чукур экан, тушиб кетаверибди. Ахири оёғи кудук тагига тегибди. Караса, кудук таги кенг, хамма ер коронги, зулмат, куп-курук, сув деган нарса йўк эмиш. Белидан арконни ечиб, нарирокка бориб караса, битта хум турганмиш ва ундан хадеб тилла қайнаб чиқаётган эмиш. Бола олиб тушган челагини дархол тиллага тўлатиб юкорига узатибди. Бўшаган челақ қайтиб тушибди. Шундай килиб хумдаги тиллани тамом килибди, кейин арконга чирмашиб юкори чика бошлабди. Шу топда бой: «Болани хозир тортиб олсам, у хойнахой тилланинг камида ярмига шерик бўлади. Ундан кўра, бола шу кудукда ўлиб кетгани яхши», деб арконни шартта қиркиб юборибди. Бой хамма тиллани олиб, йўлга равона бўлибди. Энди гапни боладан эшитинг:

Маматбой кўзини очса, ўзини кудукда кўрибди. «Аттанг, бой яхшиликка ёмонлик килди. Ажалим шу ерда экан-да», деб жуда хафа бўлиб ичкарирокка юрибди. Атрофига назар солса, бир ёқда бир эшик кўринибди, эшиқдан кириб караса, ичкараси жуда яхши безатилган бир уй эмиш. Бу уй бир девники экан, унда ўша дев ётган экан. Уйнинг шипида бир канча чолгу асбоблари осиглик эмиш. йигит девордан бир гижжакни олиб чала бошлабди. Дев етти йилдан буён касал бўлиб, хушсиз ётган экан, гижжак товушини эшитиб, ўзига келибди. Етти кун деганда тузалиб турибди ва:

— Э бола, сен кимсан? Менга кўп яхшилик килдинг. Тила тилагингни! — дебди.

Бола кўркиб кетиб, дархол девга салом берибди. Дев алик олиб, унинг бу ерга қандай келганини сўрабди. Бола девга бошидан кечирганларини айтиб берибди. Болага девнинг раҳми келиб:

— Сен мени ўлимдан олиб қолдинг, — дебди. Бола олдин девнинг тилласини кудукдан чиқариб юборганини ва шу сабабли гуноҳини кечиришини сўрабди. Дев унинг гуноҳини

кечирибди. Сўнгра Маматбой:

— Мени ёруг дунёга олиб чикиб кўйсанг бас, — дебди. Дев уни елкасига миндириб, бир зумда очик хавога чиқариб кўйибди- Маматбой дев билан хайрлашиб, йўлга равона бўлибди.

Маматбой тез-тез юриб бойга етиб олибди ва билмас киши бўлиб, яна илгаригидек бойнинг хизматини килаверибди. Буни кўрган бойнинг эси чикиб кетибди. У хам кўрккандан ноилож ўзини билмасликка солиб юраверибди-ю, болани йўк килиш пайига тушибди.

Бой хотинига куйидагича хат ёзибди:

«Мендан сизларга кўпдан-кўп салом. Яқинда бориб коламан. Жон хотин, мен боргунча шу хатни олиб борган болани ўлдириб юбор. Сабабини борганимда айтаман».

Хатни тахлаб, мухрини босиб: «Энди буни ким уйга етказди?» деса, хеч ким индамабди, чунки бой олдинроқ бошқа хизматкорлари билан тил бириктириб кўйган экан.

Хатни охири Маматбой олиб кетибди. Юра-юра бир ерга етганида ўйлабди: «Э, мен канча овора бўлиб илм ўрганган эдим, бунинг дуойи саломини бир ўкиб кўрмайманми?» деб хатни очиб караса, гап халигидай.

Хатни дарров йиртиб ташлабди-да, ўрнига куйидаги хатни ёзибди:

«Рафикам Гилмоннисога.

Дуойи саломдан сўнг андог маълум ва равшан бўлсинким, мен бу ўлкада эсон-омон юрибман. Насибам бўлса, яқинда бориб коламан. Ушбу юборган хизматкор бола Маматбой жуда эпчил экан, барака топсин, мен буюрган энг мухим ишларни якка ўзи мухайё килди. Давлатимизнинг ортишига сабабчи бўлди. Маматбойни яхшилаб кутиб ол, дархол катта кизимизни шунга тўй килиб бер, токи мен борганимда куёв бўлиб кутиб олсин».

Маматбой хатни ўхшатиб ёзибди ва хат охирига бой номидан имзо чекибди. Маматбой бир хафтада етиб келиб, хатни бойнинг хотинига берибди. Хотин хатни ўкиб: «Ўзлари айтибдилар, тўй килмаса бўлмас экан», деб эртасигаёк тўй-томоша килиб, катта кизини Маматбойга берибди. Бир неча кун деганда, бой хам етиб келибди. Эшикдан уни кизи билан куёви яхшилаб кутиб олишибди. Бойнинг жони хикилдогига келибди-ю, аммо сир бой бермапти, ўзини зўрга тутиб юрибди. Йигит хам билмас киши бўлиб, кайнатасининг хурматини бажо келтириб юраверибди. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин бой хотинини чакириб:

— Сен нима иш килиб кўйдинг? — деб уни койибди. Хотини:

— Ўзингиз айтибсиз-ку! — деб хатни кўрсатган экан, бой:

— Бу мен ёзган хат эмас, оббо кургур-эй, мендан хам уста экан, — деб койил қолибди. Лекин Маматбойни йўк килишни кеча-ю кундуз ўйлаб юраверибди.

Кунларнинг бирида йигитнинг эсига ота-онаси тушиб: «Хотиним билан бир бориб келай», деб бойдан ижозат сўрабди. Юриб-юриб бир катта шахарга келибдилар. Маматбой ўша шахар подшосининг саройи ёнидан ўта туриб, дарвозага кўзи тушибди, дарвоза тепасига осилган бир неча одамни кўрибди. Суриштира, подшонинг бир гўзал кизи бор экан. У шахматга жуда уста экан. «Кимки ўйинда мени ютиб чикса, ўшанга тегаман», деб шарт кўйган экан. Халигилар шахмат ўйинида ютказган кишиларнинг таналари экан.

Маматбой ўйлаб туриб: «Икки хунарим мени икки марта ўлимдан олиб колди, учинчиси хам бекор кетмас. Кел, таваккал, шу ўйинни хам ўйнаб кўрай», деб, шох кизи ёнига

борибди. Киз уни менсимагандек бўлиб кабул килибди.

Ўйин бошланибди. Киз хам, йигит хам бир-биридан сира колишмабди. Уч кун деганда киз ютказибди. Киз билан отаси Маматбойнинг шахматга усталигига койил колишибди. Подшо йигитга кизини бермокчи бўлган экан, йигит унамабди. Ота-онасини шахарга олдириб келиб, камбагал, бева-бечора, етим-есирларга мурувват килиб турибди.

Маматбойнинг кайнатаси кунлардан бир кун Маматбойга арзга келибди. Лекин куёвини танимабди. Куёв кайнатасининг арзини обдан эшитиб бўлиб, кейин бойнинг бутун килган ишларини ўзига айтиб берибди. Бой жуда ёмон ахволга тушиб, йигитнинг оёгига йикилиб, ўз килмишларига тавба килибди.

Шундай килиб Маматбой мурод-максадига етибди.